

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил август ойининг 2 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи, суд раиси С.Т.Исакулов, судья ёрдамчиси М.Уришованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оққўрғон туман прокурори ёрдамчиси К.Мухамедов, судланувчилар Э.Қодиров, Д.Зокиров, Ш.Саиджабборов, судланувчи Х.Абдурахманов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилаётган “НАҚИҚАТ” адвокатлик бюроси адвокати Р.Хасанов, жабрланувчилар А.Акбаров, С.Сайдуллаев, Б.Нишоновнинг иштирокида, судланувчилар Қодиров Элмурод Эрмат ўғли, Зокиров Даврон Абдунаби ўғли, Абдурахманов Худойберди Ускенбай ўғли ва Саиджабборов Шохзод Сайдимухаммад ўғлига нисбатан 1-1109-2301/119 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Қодиров Элмурод Эрмат ўғли (Qodirov Elmurod Ermat o'g'li), 2002 йил 9 апрелда Олмалиқ шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2023 йил 4 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,в” бандлари билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2023 йил 3 февралдан буён жазо муддатини ўтаётган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, “Юлдуз” маҳалласи, 3-уйда истиқомат қилган, иш бўйича 2023 йил 20 июнда ЖПК 227-моддаси тартибида ушланган, “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 5 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари, 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган;

Зокиров Даврон Абдунаби ўғли (Zokirov Davron Abdunabi o'g'li), 2001 йил 14 октябрда Олмалиқ шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2023 йил 4 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,в” бандлари билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2023 йил 3 февралдан буён жазо муддатини ўтаётган, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар, А.Навоий маҳалласи, 3-уй, 5-хонадонда яшаган, иш бўйича 2023 йил 20 июнда ЖПК 227-моддаси тартибида



ушланган, “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган,
айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 5 июль куни олган,
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,в,г”
бандлари, 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган;

Абдурахманов Худойберди Ускенбай ўғли
(Abduraxmonov Xudoyberdi Uskenbay o'g'li), 2000 йил
14 декабрда Олмалиқ шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон
фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, бўйдоқ,
ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам судланмаган, Тошкент
вилояти, Олмалиқ шаҳри, У.Носир кўчаси, 91-уйда
истиқомат қилган, иш бўйича 2023 йил 19 майда ЖПК 227-
моддаси тартибида ушланган, “қамоққа олиш” эҳтиёт
чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил
5 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г”
бандлари, 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган;

Саиджабборов Шохзод Саидимуҳаммад ўғли
(Saidjabborov Shoxzod Saidimuxammad o'g'li), 2002 йил
3 августда Бўка туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон
фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўрта-махсус, вақтинча
ишсиз, оилали, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам
судланмаган, Тошкент вилояти, Бўка тумани, “Хўжақўрғон”
маҳалласи, Арчазор кўчаси, 4-уйда яшайди, иш бўйича
“гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси
нусхасини 2023 йил 5 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г”
бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг
кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва
ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Э.Қодиров 2022 йил 29 август кунидан 30 август
кунига ўтар кечаси соат 24:00 да, ўзганинг анча миқдордаги мол-
мулкини яширин равишда ўғирлаб, талон-торож қилиш мақсадида,
танишлари Х.Абдурахмонов, Д.Зокиров ва Ш.Саиджаборов билан ўзаро
жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Бўка тумани, “Хўжақўрғон”
маҳалласи, Марказий кўчаси, 3-уйда яшовчи Акбаров Азимжон Норхўжа
ўғлига тегишли бўлган “Ўқув қуроли” ЯТТ савдо дўконидан бир дона
“Frezer” номли баҳоси 20 млн сўмлик музқаймоқ ишлаб чиқариш



аппарати, бир дона "LG" русумли баҳоси 5 млн. сўмлик компьютер процессори, бир дона "Epson" русумли баҳоси 4 млн. сўмлик рангли принтер ҳамда баҳоси 2 млн. сўмлик ўқув қуролилари жами 31.000.000 сўмлик нарса ва буюмларни яширин равишда ўғирлаб, шериги Х.Абдурахмоновга тегишли бўлган "Дамас" русумли, давлат рақам белгиси 10X 406SA бўлган автомашинага юклаб, Олмалиқ шаҳрига олиб бориб, танишлари А.Абдуллаев ва Т.Хамидуллаевга сотишиб, ўғирлик натижасида қўлга киртилган пулларни гуруҳ ўртасида тақсимлаб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган. Ушбу жиноят натижасида жабрланувчи А.Акбаровга жами бўлиб 31.000.000 сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида "LG" русумли компьютер процессорни А.Абдуллаевдан, бир дона принтер Ж.Сувонқуловдан ва бир дона "Frezer" номли музқаймоқ аппарати Ғ.Ўразбоевдан холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олиниб, тилхат асосида жабрланувчига қайтарилган.

Бундан ташқари, Э.Қодиров жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўғирлик қилиш мақсадида, жиноий шериклари Д.Зокиров ва жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2023 йил 30 январь кунидан 31 январь кунига ўтар кечаси соат 01:00да Бўка тумани, "Бўстон" маҳалласи, Ўзбековул кўчаси, 139-уйда яшовчи Сайдуллаев Саидкамол Саидрахимовичга тегишли бўлган Бўка тумани "Бўстон" маҳалласидан ўтган "Қорасув-Бўка-Бекобод" автомобиль йўли четида жойлашган "Сайдуллаев Саидкамол Саидрахимович" номли ЯТТга кириш эшигини бузиш орқали ғайриқонуний равишда кириб, ушбу дўконда бўлган 9 блок бозор баҳоси 1.500.000 млн. сўмлик сигарет, 3 блок бозор баҳоси 600.000 сўмлик флеш ичимлиги, бозор баҳоси 500.000 сўм бўлган турли хил ширинликлар, бозор баҳоси 170.000 сўм бўлган орбит маҳсулоти, бозор баҳоси 300.000 сўм бўлган консерва маҳсулотлари, бозор баҳоси 250.000 сўм бўлган писталар, бозор баҳоси 920.000 сўм бўлган 30 дона кичик ва 30 дона катта ҳажмдаги синикерслар, бозор баҳоси 650.000 сўм бўлган твикес, катта ҳажмли 20 дона кичик ҳажмли 30 дона, бозор баҳоси 650.000 сўм бўлган баунти ширинликлари, бозор баҳоси 682.000 сўм бўлган, алпенголд ширинликлари, бозор баҳоси 220.000 сўм бўлган қолган ширинликлари бозор баҳоси 670.000 сўм бўлган консерва идиши маҳсулотлари, бозор баҳоси 1.270.000 сўмлик қувватловчи ичимликлар, бозор баҳоси 2.992.000 сўм бўлган қадокли ширинликлар, бозор баҳоси 1.572.000 сўм бўлган турли хил сигаретлар, бозор баҳоси 5.980.000 сўмлик турли хил маҳсулотлар ва дўкон орқа томонида турган 60 литр идишда бўлган бозор баҳоси 540.00 сўмлик бензинларни жами 16.146.000 сўм миқдордаги мол-мулкларни яширин равишда қўлга киритиб, қўлга



киритилган нарсаларни ўзаро тенг тақсимлаб, ўзлари истеъмол қилишиб, бу ҳаракатлари орқали С.Сайдуллаевга 16.146.000 сўм миқдордаги моддий зарар етказишган.

Бундан ташқари, Х.Абдурахмонов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкини яшириш равишда ўғирлаб талон-торож қилиш мақсадида, такроран жиноий шериклари Э.Қодиров, Д.Зокиров ва С.Абдурахмонов билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлиб, 2022 йил 20 октябрь кунига ўтар кечаси соат 24:00 да, Олмалиқ шаҳар, Широқ кўчаси 76-уйда яшовчи Нишонов Баходир Джаборовичга тегишли бўлган озиқ-овқат дўконини кириш эшигини бузиб, ғайриқонуний равишда кириб, ушбу дўконда бўлган жами қиймати 11.300.000 сўм бўлган “coca cola” номли музлатгич ва 1 дона баҳоси 4 млн. сўмлик микротўлқинли печь, 1.300.00 сўм миқдоридаги нақд пуллар ва турли хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини яширин равишда қўлга киритиб, ўзига тегишли бўлган “Дамас” русумли давлат рақам белгиси 10 X 406 SA бўлган автомашинага юклаб, олинган нарсаларни ўзини яшаш хонадонига олиб келиб, озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлари истеъмол қилиб, музлатгич ва 1 дона микротўлқинли печни номаълум шахсга 3.200.000 сўмга сотиб юбориб, пуллари ўзларини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган.

Судланувчи Э.Қодиров суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2022 йил 29 август кuni соат 18:00 да яшаш хонадонидан кўчага чиққан вақтида Давронни кўриб қолганлигини, Даврон билан Олмалиқ шаҳрида ўтирган вақтида ўртоғи Худойберди телефон қилиб қолганлигини, ундан қаердалигини сўраганлигини, унга Олмалиқ шаҳар марказида Даврон билан бирга ўтирганини айтганлигини, шу вақт Худойберди ўзига тегишли бўлган давлат рақам белгиси 10 X 406 SA бўлган автомашинасида Бўка туманида яшовчи ўртоғи Шохзод билан бирга келганлигини, улар келганидан сўнг Худойбердини автомашинасида Олмалиқ шаҳрини айланишганлигини, соат 22:00 да Худойберди ўртоғи Шохзодни Бўка туманига ташлаб қўйишини ва уни ҳам вақти бўлса бирга боришини айтганлигини, шу вақт у билан Даврон рози бўлганлигини, Шохзодни Бўка туманига олиб бориш учун йўлга чиққанлигини, Худойберди автомашинани бошқариб келганлигини, уни олдида ўртоғи Шохзод ўтирганлигини, автомашина орқа қисмида у билан Даврон ўтирганлигини, йўлда келаётган вақтида Худойбердини бошқарувидаги автомашинани Шохзод ҳайдаганлигини, у билан Худойберди автомашинани орқа томонига ўтириб гаплашиб келганлигини, соат 23:30 да Шохзодни яшаш маҳалласига боришганлигини, Шохзодни маҳалласига бориб, Шохзод автомашинани тўхтатганлигини, Худойберди билан у автомашинадан тушганлиги банкомат ёки дўкондан ўғирлик қилишга келишганликларини, Худойберди билан у банкоматни олдида борганлигини, Худойберди



банкоматга қараганлигини, уни олдидаги озиқ-овқат дўконини олдида қараганлигини, шу вақт ўғирлик қилиш учун турган вақтида Даврон қурилиш моллари дўконини очиб қўйганини кўрганлигини, шу вақт Даврон уни олдида чақирганлигини, уни олдида борса қурилиш моллари дўконини эшиги бузиб очганини кўрганлигини, шу вақт у компьютер процессорини олиб, автомашинага олиб чиққанлигини, Даврон эса “EPSON” номли рангли принтерни олиб чиққанлигини, Худойбердини қўлида дафтар ва ручкалар бўлганлигини, Шохзод автомашинада улар ўғирлик қилиб, бўлганидан сўнг уни маҳалласидан олиб чиқиш учун қараб турганлигини, у Даврон қурилиш моллари дўконига кириб, музқаймоқ аппаратини кўтариб олиб чиққанлигини, Худойберди автомашинасини орқа эшикларини очиб турганлигини, Шохзод автомашинани рул қисмида ўтирганлигини, у қурилиш молларини дўконидан ўғирлаб чиққан нарсаларни автомашинага юклаб, бўлганидан сўнг Шохзод автомашинани маҳалласидаги мактабни атрофида ҳайдаб бурилиб, уларга чиқиб, кетадиган йўлни кўрсатиб, ўзи тушиб қолганлигини, у ўғирлаган нарсаларни Худойбердини яшаш хонадонига олиб келганлигини ва уни яшаш хонадонига тушиб, ўз яшаш хонадонига кетганлигини, орадан вақт ўтганидан сўнг Худойбердидан компьютерни олиб, ўртоғи Тохирга телефон қилганлигини ва унга компьютер сотаётганлигини айтганлигини, унга яшаш хонадонига келишини айтган вақтида улар уни яшаш хонадонига келишганлигини, Тохир ўртоғи билан Анварни яшаш хонадонига келишганлигини, уларга компьютерни кўрсатганлигини, Анвар ундан компьютер кимники деб сўраган вақтида унга ўзиники деб айтганлигини, Анвар 900 минг сўмга компьютерни сотиб олганлигини, 900 минг сўм пулларни ўзини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, Даврон рангли принтерни сотиб юборганини билганлигини, музқаймоқ аппарати Худойбердини ўзида қолганлигини, Шохзод ҳам улар қурилиш молларидан ўғирлик қилаётган вақтида кўриб турганлигини, қурилиш моллари дўконидан нарсаларни ўғирлаб, олиб чиқаётган вақтида автомашинани ҳайдаб дўкон олдида келганлигини, у ҳам дўкондан ўғирлик қилаётганини билганлигини, 2023 йил 30 январь куни соат 08:00 да Олмалиқ шаҳрида жойлашган “Файз” чойхонасида ишлаб келишини ва чойхонада ухлаб ётган вақтида уни олдида Бегзод билан Бунёд келиб, унга иш борлигини айтганлигини, улар билан бирга автомашинага чиққан вақтида автомашинада Рўзи ҳайдовчи ўриндиғида бўлганлигини, ундан “тинчликми қаерга борамиз” деб сўраганлигини, Бегзод унга Бекободга телефон ўғирлаш учун боришини айтганлигини, уларни ҳаммаси эшитиб турганлигини, шундан сўнг Бекобод йўналишига қараб ҳаракатланганлигини, кундуз кунлари дўконларга кириб кузатганликларини, соат 20:00 га қадар заправкада навбат кутиб ўтирганлигини, Даврон телефон қилиб қолганлигини, унга Бекободда



эканлигини, унга эшик очадиган аппаратлар олиб келишини айтганлигини, улар Олмалиқ шахридан Маъруф билан Даврон келишганлигини, улар ҳеч қандай эшик очиш учун мўлжалланган анжомлар олиб келмаганлигини, буларга нима сабабдан эшикларни очадиган анжомлар олиб келмаганлигини, улар билан бирга Бекободдаги дўконларни айланиб чиққанлигини, дўконга ўғирликка кирмоқчи бўлганида сигнализация ишлаб кетганлигини, у ерга ўғирликка кирмасдан Олмалиқ шахрига қараб ҳаракатланганликларини, йўлда келаётган вақтида Рўзибой автомашина ҳайдаб келганлигини, йўлда келаётган вақтида Бўка тумани Бўстон маҳалласига келган вақтида йўлда дўкон кўриб қолганлигини, автомашинани дўкондан ўтганидан сўнг тўхтаганлигини, ҳаммаси шу дўконга ўғирликка киришини айтишганликларини, биринчи бўлиб автомашинадан у билан Бунёд тушганлигини, шундан сўнг Даврон, Бекзод ва Маъруфлар тушиб келишганлигини, Маъруф, Даврон, Бекзод дўкон орқасига ўтишганлигини, улар ёритиш чироқларини ўчириш учун ўтишганлигини, улар чироқларни ўчириб бўлганидан сўнг у дўкон эшигини қўли билан тортиб бузганлигини, дўкон ичига кирганлигини у билан Маъруф Бунёдлар ҳам киришганлигини, у ердан сигарет, флеш ичимлиги турли хил ширинликлар, орбит сақичи, 6 дона консерва бонкасини ва семчкаларни олиб чиққанлигини, у ердан чиқиб, автомашинага ўтирганлигини, нарсаларни Маъруфни яшаш хонадонига олиб кетганлигини, уни уйига Даврон билан олиб чиққанлигини, шу куни у ҳам Маъруфни уйида қолганлигини, улар Маъруфни уйида у Даврон Бекзод Бунёдлар қолишганлигини, Рўзибой яшаш хонадонига кетганлигини, улар Маъруфни вақтинча яшаш хонадонига истеъмол қилишганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймондалигини, етказилган зарарни қоплаб беришганлигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Д.Зокиров суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2022 йил 29 август куни яшаш хонадонига бўлган вақтида Элмурод телефон қилганлигини, унга кўчага чиқишини ва овқатланишини айтганлигини, у соат 19:00 да Олмалиқ шаҳар марказига чиққанлигини ва Олмалиқ шаҳар марказига чиққан вақтида Элмурод ҳам келганлигини, Элмурод келганидан сўнг у Элмурод билан бирга Олмалиқ шаҳар марказида жойлашган лавашхонага кирганлигини, лавашхонага кириб овқатланганлигини, ўртоғи Худойберди Элмуродга телефон қилганлигини, қаердалигини сўраганлигини ва Элмурод Худойбердига Олмалиқ шаҳар марказида жойлашган лавашхонада ўтирганини айтганлигини, орадан вақт ўтганидан сўнг Худойберди келганлигини, у билан бирга келиб ўтирганлигини, Худойбердига ўртоғи Шохзод телефон қилиб қолганлигини, Худойберди уларга ўртоғи Шохзод Бўка туманига бора олмаётганлигини ва уни олиб бориб



ташлашини айтиб ундан вақтини сўраганлигини, улар рози бўлганлигини, Шохзодни Олмалик шаҳар Юлдуз тўйхонасини олдидан олганлигини, Бўка туманига қараб ҳаракатланганлигини, Бўка туманига кетаётган вақтида Шохзод автомашинани ҳайдаганлигини, Бўка туманига борганида Шохзод яшаш хонадонини олдида келган вақтида Шахзод автомашинани тўхтатганлигини, Худойберди билан Элмурод дўкон олдидаги банкоматни олдида бориб автомашинани олдида қайтиб келганлигини, у автомашинани ичида мактаб олдидаги қурилиш моллари дўконига ўғирликка киришга келишганлигини, автомашинада Шохзод ҳам уни ўғирликка киришини айтган гапларини эшитиб турганлигини, у Элмурод Худойберди автомашинадан тушиб, қурилиш моллари дўконини олдида келганлигини, темир эшикни Худойберди қўли билан бузиб тортиб очганлигини, ундан кейинги эшикни ичкарига қаттиқ итариб очганлигини, у Худойберди Элмурод дўконга кирганлигини ва дўконга кирганидан сўнг Элмурод компьютер процессор рангли принтерларни Элмурод ўғирлаб чиққанлигини, у билан Худойберди музқаймоқ аппаратини кўтариб чиққанлигини, Шохзод автомашинани уни олдида ҳайдаб келганлигини, Элмурод автомашинани эшикларини очганлигини ва у ўғирлаб чиққан нарсаларни автомашинага ортганлигини, Шохзод мактаб атрофларини айланиб чиқиб, унга йўлни кўрсатиб юборганлигини, ўзи тушиб қолганлигини, у Элмурод ва Худойбердилар Олмалик шаҳрига келганлигини ва Олмалик шаҳрига келганидан сўнг ўғирлаган бир дона “Frezer” номли музқаймоқ ишлаб чиқариш апараты, бир дона “LG” номли компьютер процессори, бир дона “Epson” номли рангли принтерларни Худойбердини яшаш хонадонига олиб келишганлигини, орадан вақт ўтганидан сўнг музқаймоқ аппаратини сотишини айтганлигини, у рангли принтерни олганлигини, Элмурод компьютер процессорни олганлигини, ўзи олган рангли принтерни акаси Жонибекни уйига қўйганлигини, акасига танишиники деб айтганлигини, 2023 йил 29 январь куни соат 10:00 да у яшаш хонадонига ётган вақтида таниши Рўзи унга телефон қилганлигини, унга яшаш хонадонини пастги томонида турганлигини, чиқишини айтганлигини ва унга иши борлигини айтганлигини, у пастга тушган вақтида Бобур акани Дамас автомашинасини Рўзибой ҳайдаб келган вақтида уни ичида Рўзибой, Элмурод, Бекзодларни кўрганлигини, Рўзибой иши борлигини айтганлигини, унга пулик иш йўқлигини айтганлигини, Рўзибой ака унга йўл ёқасидаги магазинга ўғирликка киришини айтганлигини, уни ҳамма эшиги ва у ҳам рози бўлганлигини, у дамас автомашинасига чиққанлигини ва автомашинага чиққанидан сўнг Рўзибой унга йўлни ёқасидаги магазинларга ўғирликка боришини айтганлигини, Бекобод Бўка йўналишига автомашинани ҳайдашини ва ўша ерда ўғирлик қилишини айтганлигини, у Бекобод йўналишига



қараб, борганлигини ва дўконларни айланиб, кўриб чиққанлигини, у ердан ўғирлик қилмасдан Олмалик шахрига қайтиб келганлигини, 2023 йил 30 январь куни Маъруфни вақтинча яшаб келаётган уйида ўтирган вақтида соат 21:00 да Бекзод ака унга телефон қилиб, эшик очадиган плоски апаратыни олиб келишини ўғирлик қилиш учун дўкон кўриб қўйишганини айтганлигини, Маъруф билан у йўл автомашинасида Бўка туманига борганлигини, Бўка туманига борганидан сўнг Бекзод акага телефон қилиб, Бўка туманида эканини айтганлигини, унга Бекобод тумани Зафар кўрғонига келишини айтганлигини, у билан Маъруф Бекобод туманидаги газ шахобчасига борганлигини, шахобчага борган вақтида Рўзибой, Бекзод, Элмурод, Бунёдлар борлигини кўрганлигини, улар Бобурни автомашинасида келганини кўрганлигини, лекин у ерда Бобурни кўрмаганлигини уни автомашинасини Рўзибой ҳайдаб келганини билганлигини, Рўзибой Бекзод Бўка туман Бўстон маҳалласидаги йўлни устидаги оқ рангли буткани олдида олиб келганлигини, Рўзибой Бекзодлар шу дўконга ўғирликка киришини айтганлигини ва дўкон олдида бироз айланганлигини, дўкон олдида у Элмурод, Бекзод, Маъруф Бунёдлар дўкон олдида тушганлигини ва қолган Рўзибой автомашина ичида қолганлигини, автомашинани бироз олдинроққа олиб қўйганлигини, у дўкон олдида борганлиги ва дўкон олдида борган вақтида, у дўкон олдида айланган вақтида дўкон эшигини овози чиққанини эшитганлигини, орқага қайтганлигини ва шу вақти у дўкон орқа томонига ўтиб чироқни ўчирганлигини, дўкон ичига кирган вақтида дўкон ичида Элмурод, Маъруф, Бунёдлар дўкон ичидан 20 дона флеш, сигарет турли хил ширинликлар орбит звачкаси, писталарни дўкон ичидаги селафанларга солиб олиб чиқиб келганлигини, у дўкон орқасида турган бензин идишини олиб, Бунёдга берганлигини, Бунёд автомашинага олиб борганлигини, йўлда ўғирланган нарсаларни Рўзибой ҳам у билан бирга ўғирлаган нарсаларни истеъмол қилиб келишганлигини, Рўзибой уни ўғирликка олиб боришган улар фақат дўкон ичига киришмаганлигини, нарсаларни олиб, Маъруфни уйига олиб кирганлигини, Рўзибой флешларни олганлигини, Маъруфни яшаш хонадонида у Бекзод, Элмурод, Бунёдлар қолганлигини, Рўзибой чиқиб кетганлигини ва қолган нарсаларни биз Маъруфни вақтинча яшаб келган хонадонида истеъмол қилганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймондалигини, етказилган зарарни қоплаб беришганлигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Х.Абдурахмонов суд мажлисида айбига тўлиқ бўлиб, Олмалик шахрида ўзига тегишли бўлган давлат рақам белгиси 10 X 406 SA бўлган Дамас автомашинасида таксичилик ишлари билан шуғулланиб келишини, 2022 йил 29 август куни соат 07:00 да бошқарувида бўлган дамас автомашинасида таксичилик қилиш учун



чиқиб кетганлигини, шу куни таксичилик ишлари билан шуғулланганлигини, соат 18:00 да ишини тугатиб, яшаш хонадонига борганлигини, Олмалиқ шаҳрида яшовчи ўртоғи Даврон унга телефон қилиб, ундан қаердалигини сўраганлигини, унга яшаш хонадонига келганини айтганлигини, унга ўртоқлар йиғилиб ўтиришганини айтганлигини, унга ҳам чиқиб келишини айтганлигини, у кўчага чиққанидан сўнг ўртоғи Давронга телефон қилганлигини, унга Олмалиқ шаҳар марказига келишини айтганлигини, борган вақтида у ерда ўртоқлари Даврон ва Элмуродлар турганини кўрганлигини, у ўзини бошқарувида бўлган автомашина билан уларни олдига тўхтаган вақтида улар уни олдига келишганлигини, у улар билан бирга гаплашиб, ўтирган вақтида Бўка туманида яшовчи ўртоғи Шахзод телефон қилиб қолганлигини, унга уни Бўка туманига олиб бориб ташлашини ва автомашина бўлмаётганини айтганлигини, у рози бўлганлигини, ўртоқлари Даврон ва Элмуродларга у билан бирга бориб келасизларми деб сўраган вақтида улар унга ишлари йўқлигини, бориб келишларини айтишганлигини, у Шохзодни олдига Ойдин бозорини олдига борганлигини, у ердан Шохзодни олганлигини, шу билан бирга ўртоқлари билан бирга Бўка туманига қараб ҳаракатланганлигини, шу вақт ўртоғи Шохзод унга автомашинани ҳайдаб кўришини айтганлигини, у автомашинани Шохзодга берганлигини, Шохзод уни автомашинасини ҳайдаб Бўка туманига қадар келганлигини, Шохзодни яшаш хонадонини олдига келган вақтида уни яшаш хонадонини олдида дўкон борлигини кўриб қолганлигини, Даврон унга қараб дўконга кириш осонлигини ва дўконга ўғирликка киришини ичида бирон нарса бўлса ўғирлаб сотишини айтганлигини, ўртоғи Элмурод ҳам ўғирлик қилишга рози эканини айтганлигини, у ҳам ўғирликка киришини айтганлигини ва шундан сўнг улар ҳаммаси автомашинадан тушганлигини, дўкон олдига борганлигини ва Даврон дўкон қулфини бузиб кирганлигини, у ичкарига кирганидан сўнг дўкон ичидан 1 дона музқаймоқ аппарати ва бир дона принтер компьютер процессорони у Даврон, Элмурод кўтариб ташқарига чиққанлигини, шу вақт Элмурод билан Даврон Шахзодни чақиришганлигини, у ўғирлаган нарсаларини автомашинага ортганлигини, Шохзод автомашинада бўлганлиги ва у нарсаларни ортиб бўлганидан сўнг Шохзод уни ўзини маҳалласидан бир кўча узоқроқда олиб чиқиб қўйганлигини, автомашинани тўхтатганлигини, у автомашинани рулига ўтирганлигини, автомашинани Олмалиқ шаҳрига ҳайдаганлигини Шохзод ҳам у ўша дўконга кириб, ўғирлик қилишини билганлигини, у автомашинани шу дўконга кириб, ўғирлик қилишини айтган вақтида у ҳам автомашинани ичида ўтирганлигини, у ўғирлик қилиб, бўлгунига қадар автомашинани ичида ўтирганлигини, ўғирлик қилиб чиққанида уни маҳалласидан олиб чиқиб бошқа кўчага олиб келиб ташлаганлигини, кейин ўзи яшаш



хонадонига кетганлиги ва у ўртоқлари билан бирга ўғирлаган нарсаларини уни яшаш хонадонига олиб борганлигини, у ўртоқлари Даврон Элмуродлар билан яшаш хонадонига тушиб қолганликларини, ўртоқлари қайтиб кетганлигини, орадан вақт ўтганидан сўнг унга Даврон телефон қилиб, унга принтерни беришини айтганлигини, Даврон келиб яшаш хонадонидан принтерни олиб кетганлиги ва орадан вақт ўтганидан сўнг унга Элмурод телефон қилиб, ундан компьютерни беришини айтганлигини, у яшаш хонадонидан компьютерни олиб бориб берганлигини, орадан вақт ўтганидан сўнг Даврон билан Элмурод унга телефон қилиб, музқаймоқ аппаратини сотишини айтиб, телефон қилганлигини, у уларга кўрқаётганлигини сезиб қолишларини айтиб, уни сотмасдан келганлигини, орадан вақт ўтганидан сўнг Шохзод унга телефон қилиб пул беришини сўраганлигини, унга 200 минг сўм пул берганлигини, у ўзини ишларини қилиб юрган вақтида уни Олмалиқ шаҳар ИИБга келишини айтишганлигини ва у Олмалиқ шаҳар ИИБга келаётган вақтида уни ходимлар ушлаб олишганлигини, Бўка тумани ИИБга олиб келишганлигини, ИИБ ходимлари ундан бўлган ҳолатларни сўрашганлигини, у Бўка тумани ИИБ ходимларига ҳақиқатдан ҳам ўғирлик қилганлигини айтиб берганлигини, ўғирлаган нарсаларидан музқаймоқ чиқарадиган аппарат яшаш хонадонига турганини айтганлигини, қолган нарсаларни Даврон билан Элмурод олиб кетганини айтганлигини, нарсаларни ходимлар ҳужжатлаштириб олишганлигини, 2022 йил октябрь ойининг ўрталарида уйда бўлган вақтида соат 20:00 да унга таниши Э.Қодиров кўнғироқ қилиб қаерда эканлигини сўраганлигини, шу вақтда у Элмуродга уйда эканлигини айтган вақтида Элмурод маҳалласига Дамас русумли автомашинада келишлигини, иш борлигини айтганлигини, у Элмуроднинг таклифига кўра унинг маҳалласига бошқарувида бўлган Дамас русумли давлат рақам белгиси 10 S 406 ХА бўлган автомашинани борганлиги у ерга борган вақтида Элмуроддан ташқари Даврон ва Сарварларни туришганлигини кўрганлигини, улар унинг бошқарувида бўлган Дамас русумли автомашинага ўтиришганлигини, кейин Элмурод ва Даврон олдиндан режалаштириб қўйган иши борлигини, яъни Олмалиқ шаҳарида жойлашган ва барчага “кирпични” номи билан танилган жойдаги озиқ-овқат дўконига ўғирликка боришлигини, ушбу ишда дўкондан нарсаларни ўғирлаб олиб чиқишлигини айтганлигини, у дастлаб Элмурод ва Давронларни таклифларига рози бўлмаганлигини, Даврон унга ушбу ўғирликда у иштирок этмаслигини, фақатгина автомашинада ўтиришини айтганлиги, ушбу таклифга рози бўлганлигини, улар билан автомашинада “Телеграф” ва “Камалак” ҳудудларни айланиб юрганлигини, соат 01:00 да олдиндан келишиб олинган жойига, яъни “кирпич”ни деб аталадиган жойдаги озиқ-овқат дўкони олдида келиб тўхтатганлигини, машинадан Сарвар, Даврон ва



Элмуродлар тушишганлигини ва дўкон томонга қараб кетишганлигини, у бўлса йўлдан ўтиб кетаётган автомашиналарни уни йўлнинг чекка қисмида тўхтаб турганлигидан шубҳаланмасликлари учун бироз қоронғуроқ жойга қараб юрганлигини, у автомашинада 15 дақиқа ўтирганидан сўнг Даврон унга қўнғироқ қилиб, нарсаларни ўғирлаб бўлишганлигини, шу сабабли уларни олиб кетишлигини айтганлигини, у Давроннинг сўзларига кўра дўкон олдида борган вақтида Сарвар, Даврон ва Элмуродлар 2-3 дона оқ рангли қопларни ушлаб туришганлигини, бунинг устига етмаганидек бир дона музлатгич ҳам олиб чиқишганлигини, уларга музлатгич автомашинага сиғмаслигини айтса ҳам улар ушбу музлатгични ҳам олиб кетишларни айтиб туриб олишганлигини, улар ушбу қоплардаги озиқ-овқат маҳсулотлари, 1 дона музлатгич ва 1 дона микротўлқинли печьларни автомашинага олиб келиб юклашганлигини, Давронни уйига ҳайдашлигини, сабаби у ҳовли уйда туришлигини, ушбу ўғирланган нарсаларни бўлса 1 кун ичида уйдан олиб кетишларни айтишганлигини, у унинг гапларига ишонмаганлигини ва автомашинани тўғри уйи томонга қараб бошқариб кетганлигини, йўлда кетаётган вақтида Давронни ушбу дўкондан 1 дона уяли алоқа воситасини, Элмуродни бўлса касса аппаратини ўғирлаб олиб чиққанликларини билганлигини, Даврон дўкондан телефон олиб чиққанлигини, Элмурод бўлса касса аппаратини олганини айтганлигини, шу вақтда Даврон Элмуродга ушбу касса аппаратини ташлаб юборишганини айтганидан сўнг Элмурод ушбу аппаратни ташлаб юборганлигини, кейин ўғирланган барча нарсаларни унинг уйига олиб келганлиги ва гаражга туширганлигини, орадан 1-2 кун ўтганидан сўнг, у Элмурод, Даврон ва Сарварлар билан унинг гаражига йиғилишганлигини, у ушбу нарсаларни сотиб бўлмаслигини, шу сабабли ўзлари истеъмол қилиб юборишини, у шу вақтда Даврон ва Элмуродга дўкондан ўғирланган бир дона музлатгич ва микротўлқинли печьни олиб кетишларни айтган вақтида улар кейинроқ олиб кетишлари ҳақида айтиб юрганлигини, орадан бироз муддат ўтганидан сўнг уларни ушбу музлатгич ва микротўлқинли печь олиб кетмаганликлари сабабли мазкур музлатгич ва микротўлқинли печни жами 2.700.000 сўмга сотиб юборишганлигини, пулларни барчасини ўзининг эҳтиёжига сарфлаб юборишганлигини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ш.Саиджабборов суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2022 йил 29 август куни Олмалиқ шаҳрида яшовчи акаси Комилни туғилган куни бўлаётганлиги сабабли туғилган кунга Олмалиқ шаҳрига борганлигини, соат 23:00 да яшаш хонадонига қайтиш учун Олмалиқ шаҳар марказига чиқиб келганлигини, Бўка туманига келадиган автомашиналар йўқлигини кўрганлигини ва ўртоғи



Худойбердига телефон қилганлигини, унга автомашина йўқлигини, келиб уни Бўка туманига олиб бориб қўйишини айтиб илтимос қилганлигини, унга Олмалиқ шаҳрини марказида турганини айтганлигини, Худойберди рози бўлганлиги ва у биров кутиб турган вақтида Худойберди уни олдида ўзига тегишли бўлган давлат рақам белгиси 10 X 406 SA бўлган дамас автомашинасида келганлигини, уни ичига қараган вақтида Худойбердини бошқарувидаги автомашинани ичида унга нотаниш бўлган кейин билса Даврон, Элмуродлар эканини билганлигини, улар билан кўришганлигини ва автомашинага чиққанлигини, автомашинага чиққанидан сўнг улар билан бирга Бўка туманига қараб ҳаракатланганлигини, йўлда келаётган вақтида Худойбердига бошқарувидаги автомашинани у ҳайдаб боришини айтганлигини, Худойберди ҳам рози бўлганлигини, у автомашинани Бўка тумани Хўжақўрғон маҳалласига ҳайдаб келганлигини, яшаш хонадонини олдида келиб, автомашинани тўхтатганлигини, Даврон билан Элмуродлар маҳалласидаги Азим акани дўконига ўғирликка киришни айтишганлигини, Худойберди ҳам унга ўғирликка кирса деб айтган вақтида унга ўғирликка кирмаслигини, маҳаллада кутиб туришини айтганлигини, Худойберди Даврон, Элмуродлар маҳалласида яшовчи Азим акани дўконига кириб кетишганлигини, Худойберди унга автомашинасини четроққа олиб ўтиб, ўтиришини айтганлигини, у Худойбердини автомашинасини мактаб олдида олиб бориб, четроқда қараб ўтирганлигини, орадан биров вақт ўтганидан сўнг Худойберди уни чақирганлигини, у Азим акани дўконини олдида борганлигини ва борган вақтида Худойберди Даврон Элмуродлар Азим акани дўконидан ўғирлаб чиққан “музқаймоқ аппаратини” автомашинани орқа қисмига ортишганлигини, Худойберди унга маҳалладан чиқиб кетиш йўлини кўрсатиб юборишини айтганлигини, уларга йўлни кўрсатиб юборганлигини, ўзи йўлда тушиб қолганлигини, яшаш хонадонига келганлиги ва ётиб дам олганлигини, эртанги кун ишга эрта чиқиб кетганлигини ва орадан вақт ўтганидан сўнг Худойберди унга телефон қилиб маҳаллада нима бўлаётганини сўраганлигини, унга маҳаллада эмаслигини ва нима бўлаётганини билмаслигини, ўз ишларини қилиб юрган вақтида уни ходимлар чақиртиришганлигини, Бўка тумани ИИБ биносига келган вақтида Азим акани дўконидан Худойберди шериклари билан бирга музқаймоқ аппаратидан ташқари компьютер принтер процессорларни ўғирлашганини билганлигини, улар ўғирлаб кетган нарсаларини нима қилишганлигидан хабари бўлмаганлигини, Азиз акага етказилган зарарни пулини тўлаб берганлигини, қилган ишидан пушаймондалигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчилар Э.Қодиров, Д.Зокиров, Х.Абдурахмонов ва Ш.Саиджаборовнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.



Жабрланувчи А.Акбаров суд мажлисида, ўқув қуроллари ЯТТ савдо дўкони раҳбари бўлиб ишлаб келишини, уни ЯТТда ўқув дарсларида фойдаланиладиган дафтар ручкаларни сотиш ишлари билан шуғулланиб келганлигини, 2019 йилларда Тошкент шаҳридан “Frezer” номли музқаймоқ ишлаб чиқариш аппаратини 20.000.000 сўмга сотиб олганлигини, бир дона “LG” номли компьютер процессори, 5.000.000 сўмга сотиб олганлигини, бир дона “Epson” номли рангли принтер 4.000.000 сўмга сотиб олиб, дўконига қўйиб ишлатиб келганлигини ва 2022 йил 29 август куни соат 07:00 да “Ўқув қуроллари” ЯТТ савдо дўконига ишга келганлиги ва ўша ерда соат 21:00 га қадар фуқароларга хизмат кўрсатганлиги ва шундан сўнг дўкони хама нарсаларини аппаратларини кўриб, дўкони қулфлаб кетганлигини ва эртаси куни 2022 йил 30 август куни соат 07:00 да дўконига келган вақтида эшик қулфлари бузилган ва эшиклар бузилиб ётганлигини кўрганлигини ва у дўконга ўғри кирганлигини билиб, дўкон ичига кирганлиги ва дўкон ичига кирган вақтида “Frezer” номли музқаймоқ ишлаб чиқариш аппарати, бир дона “LG” номли компьютер процессори, бир дона “Epson” номли рангли принтери номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганлигини билганлигини, Бўка тумани ИИБ ходимларига мурожаат қилганлигини, Бўка тумани ИИБ ходимлари келиб бўлиб ўтган ҳолатни ёзиб олишганлигини, уни Бўка тумани ИИБ ходимлари 2023 йил февраль ойларида чақиришганлигини, уларни олдига кирган вақтида ИИБ ходими унга дўконига кирган ўғирларни топганини айтганлигини, уларга қараган вақтида биттасини таниб қолганлигини, уни қўшниси Шохзод эканини билганлигини, Шохзод уни дўконига ўғирликка кирганини сўраган вақтида Шохзод унга дўконига ўғирликка шериклари билан бирга кирганини айтганлигини, улар ундан кечирим сўраганлигини, уни нарсаларини нима қилишганлигини сўраган вақтида унга Шохзод шериги Мухаммадни яшаш хонадонидида “Frezer” номли музқаймоқ ишлаб, чиқариш аппарати турганлигини, қолган бир дона “LG” номли компьютер процессори, бир дона “Epson” номли рангли принтерларни сотиб юборишганини айтганлигини, уларни яшаш хонадонидан ходимлар билан бирга нарсаларини олиб келганлигини, ходимлар унга тилхат асосида нарсаларини қайтариб беришганлигини, ҳозирда унга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини баён қилиб, судланувчиларга нисбатан енгилик беришни сўради.

Жабрланувчи С.Сайдуллаев суд мажлисида, 2007 йилдан буён Бўка тумани Бўстон маҳалласи марказий кўрғон кўчасига кириш жойидан автобус бекатида жойлашган “Сайдуллаев Саидкамолхон Саидрахим ўғли” номли ЯТТни ишлатиб келишини, бу дўкон озиқ-овқат дўкони бўлиб, ўзи бошқариб савдони ҳам ўзи амалга ошириб келишлигини, 2023 йил 30 январь кунидан 31 январь кунига ўтар кечаси соат 00:20 да дўкондаги савдо ишларини якунига етказиб, дўкон эшигини қулфлаб



чироқларини ёқиб уйига кетганлигини, 2023 йил куни соат 06:30 да дўконга келган вақтида дўкон эшиги бузиб очилган ҳолатда эканлигини кўриб дўкон ичига кириб, қараган вақтида баъзи нарсаларни дўкон ичида йўқлигини кўрганлигини, 102 тизимига қўнғироқ қилиб, бўлган ҳолатни айтганлигини, уни хабари асосида ходимлар ҳодиса содир бўлган жойга етиб келишганлигини, улар билан бирга дўкон ташқи ва ички томонига ўрнатилган камералар хотирасини текширганлигини, соат 01:00 да бир неча болларни дўкон атрофида айланиб кузатиб юришганлигини, кейин дўкон эшигини силтаб очиб киришганлигини, ичкаридан бир неча нарсалар олишганлиги кўрганлигини, у ходимлар келишган вақтида уларга бўлган ҳолат юзасидан тушунтириш бериб ариза ёзиб берганлигини, жами 3.220.000 сўмлик турли нарсалар йўқолганлиги маълум қилганлигини, ўз аризасида ходимлар 9 блок бозор баҳоси 1.5 млн сўмлик сигарет, 3 блок бозор баҳоси 600.000 сўмлик флеш ичимлиги, бозор баҳоси 500.000 сўм бўлган турли хил ширинликлар бозор баҳоси 170.000 сўм бўлган орбит маҳсулоти, бозор баҳоси 300.000 сўм бўлган консерва маҳсулотлари, 250.000 сўм бўлган писталар, бозор баҳоси 920.000 сўм бўлган 30 дона кичик ва 30 дона катта ҳажмдаги сникерс, бозор баҳоси 650.000 сўм бўлган твикер катта ҳажмли, 20 дона кичик ҳажмли 30 дона, бозор баҳоси 650.000 сўм бўлган баунти ширинликлари, бозор баҳоси 682.000 сўм бўлган алпенголд ширинликлари, бозор баҳоси 220.000 сўм бўлган қолган ширинликлар, бозор баҳоси 670.000 сўм бўлган консерва идиши маҳсулотлари, бозор баҳоси 1.270.000 сўмлик қувватловчи ичимликлар, бозор баҳоси 2.992.000 сўм бўлган қадоқли ширинликлар, бозор баҳоси 1.572.000 сўм бўлган турли хил сигаретлар, бозор баҳоси 5.980.000 сўмлик турли хил маҳсулотлар ва дўкон орқа томонида турган 60 литр идишда бўлган бозор баҳоси 540.00 сўмлик бензинларни яширин равишда қўлга киритиб, нарсаларни ўзаро тенг тақсимлаб, ўзлари истеъмол қилишганлигини, бу ҳаракатлари орқали унга нисбатан жами 16.146.000 сўм миқдордаги зарар етказишганлигини, ҳозирда унга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини баён қилиб, судланувчиларга нисбатан енгилик беришни сўради.

Жабрланувчи Б.Нишонов суд мажлисида, Олмалиқ шаҳар Мустақиллик кўчасида жойлашган озиқ-овқат сотиладиган дўкон тадбиркор сифатида юритиб келишини, ушбу дўкон ўзига тегишли бўлиб унинг номига расмийлаштирилган ЯТТ асосида бошқариб келишини, 2023 йил 19 октябрь куни соат 21:00 да дўконини ёпиб, эшикларини қулфлаб кетганлигини, ўша куни соат 23:00 да дўконини кўздан кечириб, хавфсиз ҳолатда эканлигини текшириб кетганлигини, кейинги куни яъни 20 октябрь куни дўконининг ташқи томонига ўрнатилган темир панжараларнинг қулфи ва дўконнинг акфа эшиклари қулфлари синган дўкон эшиги очилиб ётган ҳолатда бўлганлигини,



дўкон ичига кирмасидан, 102 қисқа рақамига қўнғироқ қилганлигини ва бўлган ҳолат ҳақида хабар берганлигини, орадан вақт ўтганидан сўнг дўконга ИИБ ходимлари етиб келганлигини, у биргаликда дўкон ичига кирганлигини ва дўконнинг дарвозалари бутун ҳолатда, дўконга эшикнинг қулфи бузилиб кирганлигини, дўкон ичидаги нархи 1.000 АҚШ доллари бўлган “соса-сола” музлатгичини ичида ичидаги маҳсулотлар ерда ётганлигини, музлатгичнинг ўзи йўқлигини, нархи 1 млн сўмлик техномин фирмаси томонидан ишлаб чиқарилганлигини, микратўлқинли печь, нархи 4 млн сўмлик ЯТТ ташкил қилган вақтида сотиб, олган терминал аппарати, 1.800.000 сўм нақт пуллар сотувга қўйилганлигини, 1 донасини нархи 1.300.000 сўмдан бўлган 2 дона “саламандра” этиги сотувга қўйилган 1 донасининг нархи 150 минг сўм бўлган фебрлик фирмасига оид 10 дона атирлар сотувга қўйилганлигини, 1 донасининг нархи 200.000 сўм бўлган феберлик фирмасига оид 10 дона атирлар витринага сотувга қўйган жами нархи 3.200.000 сўм бўлган 4 хил турдаги калбаси маҳсулотлари сотувга қўйилганлигини, жами нархи 2.850.000 сўм бўлган “краферс” ширинликлари сотувга қўйилганлигини, ичида 24 дона катта “снекрс” ширинлиги бўлган 1 блок “снекрс” ширинлиги, 1 дона катта “снекрс” ширинлигини 12.000 сўмдан 1 блок ширинликларини нархи 288.000 сўм сотувга қўйилган ичида 24 дона кичик “снекрс” ширинлиги бўлганлигини, 1 блок “снекрс” ширинлиги 1 дона кичик ширинлик нархи 270.000 сўм сотувга қўйилган ичида 24 дона “алпенголд” ширинлиги бўлган 1 блок “алпенголд” ширинлиги 11.000 сўмдан 1 блок ширинликни нархи 264.000 сўм сотувга қўйилганлиги ичида 24 дона катта флеш ичимлиги бўлган 1 блок флеш ичимлигини 1 дона катта флеш ичимлиги 9.000 сўмдан 1 блок ичимлигининг нархи 216.000 сўм сотувга қўйилган ичида 24 дона кичик флеш ичимлиги бўлган 1 блок флеш ичимлигини, 1 дона кичик флеш ичимлиги 7.000 сўмдан 1 блок ичимликларни нархи 168 сўм сотувга қўйилган ичида 24 дона “Гарилла” ичимлиги бўлган 1 блок нархи 240.000 сўм сотувга қўйилган 8 дона консервали тушёнка маҳсулоти 1 дона консервали тушёнка маҳсулоти 24.500 сўм жами нархи 196 000 сўм сотувга қўйилганлиги 6 дона консервали килка маҳсулоти 1 дона консервали килки маҳсулоти 22.500 сўм жами нархи 135.000 сўм сотувга қўйилган ичида орбит сақичи бўлган 5 пачка орбит сақичи 1 пачка орбит сақичи 180 000 сўм, 5 пачка сақичнинг нархи 900 000 сўм сотувга ичида 100 донадан “чупачупс” конфети бўлган 2 пачка “чупачупс” конфети бўлган 2 пачка конфети 1 пачка чупачупс конфетининг нархи 200 сўмдан 2 пачка конфетининг нархи 400 сўм сотувга қўйилган 6 дона катта бакалашка молока маҳсулоти 1 дона катта баклашка молоко маҳсулоти 17.500 сўм жами нархи 105 сўм сотувга қўйилган 5 дона кичик консервали маҳсулоти 1 дона кичик консервали молоко маҳсулоти 12.000 сўм жами



нархи 60 сўм сотувга қўйилган 6 дона қоғозли идишдаги кафе маҳсулоти 1 дона кофе маҳсулоти 25.500 сўм, жами нархи 213.000 сўм сотувга қўйилган 5 дона қуритилган сут маҳсулоти 1 дона қуритилган сут маҳсулоти 14.000 сўм жами нархи 3.000.000 сўмлик мол-мулки ўғирланганлигини, ҳозирда унга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини баён қилиб, судланувчиларга нисбатан енгилик беришни сўради.

Судланувчилар Э.Қодиров, Д.Зокиров, Х.Абдурахманов ва Ш.Саиджабборовнинг айби, жабрланувчиларнинг аризалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари ва фотожадвал, дастлабки тушунтириш хатлари, ашёвий далилни олиб қўйиш тўғрисида баённомалар, жабрланувчига етказилган зарарни қопланганлиги ҳақида тилхат, транспорт воситасини кўздан кечириш ҳақида баённома, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, тергов ҳаракатлари ёзиб олинган “СД” диск, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиғини топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар Э.Қодиров ва Д.Зокировнинг “Ўғрилик, яъни ўзганинг анча миқдордаги мол-мулкни яширин равишда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уй-жой, омборхона ва бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, талон-торож қилиш”да ифодаланган аломатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари, “Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уй-жой, омборхона ва бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, такроран талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди;

судланувчи Х.Абдурахмановнинг “Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уй-жой, омборхона ва бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб талон-торож қилиш”да ифодаланган аломатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари, “Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уй-жой, омборхона ва бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, такроран талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди;

судланувчи Ш.Саиджабборовнинг “Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уй-жой, омборхона ва бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб талон-торож қилиш”да ифодаланган аломатлари билан



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Э.Қодировга жазо тури ва меъёрини тайинлашда юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инobatга олиш билан бирга, унинг шахсини, айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини ва бошқа жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, унинг ишдаги родини, муқаддам судланганлигини ва бошқа иш ҳолатларини эътиборга олиб, одиллик ва инсонпарварлик принципларига амал қилиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин эмас деган қатъий фикрга келиб, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари ва 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан жазо тайинлашда ЖКнинг 33-моддасига риоя қилган ҳолда, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

судланувчи Д.Зокировга жазо тури ва меъёрини тайинлашда юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инobatга олиш билан бирга, унинг шахсини, оилавий шароитини, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва бошқа жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, унинг ишдаги



ролини, муқаддам судланганлигини ва бошқа иш ҳолатларини эътиборга олиб, одиллик ва инсонпарварлик принципларига амал қилиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин эмас деган қатъий фикрга келиб, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари ва 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан жазо тайинлашда ЖКнинг 33-моддасига риоя қилган ҳолда, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи Э.Қодировга муқаддам жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2023 йил 4 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,в” бандлари билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги, 2023 йил 3 февралдан буён жазо муддатини ўтаётганлиги;

судланувчи Д.Зокировга муқаддам жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2023 йил 4 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,в” бандлари билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги, 2023 йил 3 февралдан буён жазо муддатини ўтаётганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмида, агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшиб ҳисобланиши кўрсатилган.

Суд, ишда тўпланган далиллар ва Қонун талабларини инobatга олиб, судланувчилар Э.Қодиров ва Д.Зокиров мазкур жиноятни жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2023 йил 4 июлдаги ҳукмига қадар содир этишганлигини инobatга олиб, уларга нисбатан ЖК 59-моддаси 8-қисмига асосан жазо тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Судланувчи Х.Абдурахмановга жазо тури ва меъёрини тайинлашда юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини инobatга олиш билан бирга, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва бошқа жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, унинг ишдаги ролини ва бошқа иш ҳолатларини эътиборга олиб, одиллик ва



инсонпарварлик принципларига амал қилиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан жазо тайинлашда ЖКнинг 33-моддасига риоя қилган ҳолда, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

судланувчи Ш.Саиджабборовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва бошқа жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, унинг ишдаги ролини ва бошқа иш ҳолатларини эътиборга олиб, одиллик ва инсонпарварлик принципларига амал қилиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 10-бандида, транспорт воситаларини жиноят қуроли деб эътироф этиш учун транспорт воситасидан, фақат улов сифатида эмас (масалан, айбдор томонидан қонунга хилоф равишда балиқчилик жинояти қармоқлар ва тўрлардан фойдаланилган ҳолда содир этилган бўлиб, автомобилдан фақат улов сифатида фойдаланилган бўлса), балки, қасддан жиноят содир этишда айнан қурол сифатида фойдаланилганлиги сўзсиз аниқланган бўлиши зарур (масалан, талон-торож жиноятини содир этишда ўғирланган катта ҳажмдаги товарлар автомобилда олиб чиқиб кетилган, товар ёки бошқа қимматликлар божхона назоратини четлаб ўхуд божхона назоратидан яшириб олиб ўтилган бўлса), деб тушунтириш берилган.

Суд терговда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Х.Абдурахманов жиноий шериклари билан режалаштирган ўғирлик жиноятини содир этишда ўзининг бошқарувидаги “Дамас” русумли давлат рақами белгиси 10 S 406 ХА бўлган транспорт воситасидан фақатгина улов сифатида фойдаланмаган.

Хусусан, мазкур транспорт воситасига биринчи эпизод бўйича “Frezer” номли музқаймоқ ишлаб чиқариш аппарати, “LG” русумли



компьютер процессори, “Epson” русумли принтерни, иккинчи эпизод бўйича “coca cola” номли музлатгич ва микротўлқинли печь, нақд пуллар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини жойлаштириб, ҳодиса жойидан яширинган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, Бўка тумани ИИБ ЙХХБга қарашли жарима майдончасида сақланаётган, баҳолаш ҳулосасига кўра 99.446.275 сўмга баҳоланган “Дамас” русумли давлат рақами белгиси 10 S 406 ХА бўлган транспорт воситасини жиноят қуроли деб эътироф этишни ва ҳукм қонуний кучга киргач давлат фойдасига мусодара қилишни лозим топади.

Суд, етказилган зарарни ундириш маласини муҳокама қилиб, жабрланувчилар А.Акбаров, С.Сайдуллаев, Б.Нишоновга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни;

иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, бир дона “Фрезер” номли музқаймоқ ишлаб чиқариш аппарати, бир дона “ЛЖ” номли компьютер процессори, бир дона “Епсон” номли рангли принтери жабрланувчи А.Акбаровга тилхат асосида қайтарилганлигини маълумот учун қабул қилишни ва унга тўлиқ тасарруф этиш ҳуқуқини беришни;

жиноят ишига илова қилинган бир дона “DVD” дискни жиноят иши ҳужжатларида қолдиришни;

иш бўйича манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарни судланувчилардан ундириш масаласида фуқаролик-ҳуқуқий тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Қодиров Элмурод Эрмат ўғли (Qodirov Elmurod Ermat o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Э.Қодировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Э.Қодировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2023 йил 4 июлдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 3 февралдан бошлаб ҳисоблансин.



Э.Қодиоровга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Зокиров Даврон Абдунаби ўғли (Zokirov Davron Abdunabi o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Д.Зокировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Д.Зокировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2023 йил 4 июлдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 3 февралдан бошлаб ҳисоблансин.

Д.Зокировга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Абдурахманов Худойберди Ускенбай ўғли (Abduraxmonov Xudoyberdi Uskenbay o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Х.Абдурахмановга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, сутканинг соат 22:00 дан 06:00 гача бўлган вақтида яшаш жойи – Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, У.Носир кўчаси, 91-уйдан чиқиши чекланган ҳолда 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Х.Абдурахмановнинг 2023 йил 19 майдан 2023 йил 2 августга қадар қамоқда бўлган 75 куннинг ҳар бир куни озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, жазонинг 2 ой 13 куни ўталган деб ҳисоблансин ва ўташ учун 2 (икки) йил 9 (тўққиз) ой 17 (ўн етти) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Маҳкум Х.Абдурахмановнинг зиммасига:

- алкогольли ичимликлар истеъмол қилинадиган ва кўнгилочар жойлар (кафе, бар, ресторан ва тунги клублар)га бормаслик;
- оммавий тадбирлар (байрам сайллари ва намоишлар)да иштирок этмаслик;
- муқаддам судланган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик;



- жазо ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойларини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча мажбуриятлар юклатилсин.

Жазони ижро этиш Олмалиқ шаҳар ИИБнинг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, маҳкум Х.Абдурахманов жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Маҳкум Х.Абдурахмановга жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишини англаб етган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган тақдирда, суд унга нисбатан тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги ҳамда озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Х.Абдурахмановга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Саиджабборов Шохзод Саидимуҳаммад ўғли (Saidjabborov Shoxzod Saidimuxammad o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ш.Саиджабборовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати ҳукм амалда ижрога қаратилган, яъни маҳкумнинг иш ҳақидан давлат даромадига ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш ва ижросини назорат қилиш у доимий рўйхатдан ўтган Олмалиқ шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ш.Саиджабборовга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтамаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ш.Саиджабборовга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва айни пайтда Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.600.000 сўм гаров пули гаровга қўювчи Ш.Саиджабборовга қайтарилсин.



Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган бир дона “Фрезер” номли музқаймоқ ишлаб чиқариш аппарати, бир дона “ЛЖ” номли компьютер процессори, бир дона “Епсон” номли рангли принтер жабрланувчи А.Акбаровга тилхат асосида қайтарилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва унга тўлиқ тасарруф этиш ҳуқуқи берилсин.

Жиноят ишига илова қилинган бир дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатларида қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, Бўка тумани ИИБ ЙҚХБга қарашли жарима майдончасида сақланаётган, баҳолаш ҳулосасига кўра 99.446.275 сўмга баҳоланган “Дамас” русумли давлат рақами белгиси 10 S 406 ХА бўлган транспорт воситаси жиноят қуроли деб эътироф этилсин ва ҳукм қонуний кучга киргач давлат фойдасига мусодара қилинсин.

Иш бўйича манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарни судланувчилардан ундириш масаласида фуқаролик-ҳуқуқий тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкумлар ва жабрланувчилар эса, ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

имзо

С.Т.Исакулов

Нусха аслига тўғри:

